

Республика ихтисослаштирилган  
Онкология ва радиология илмий-амалий  
тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиали  
Директор \_\_\_\_\_  
» феврал 2022 йил



### ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ УЧУН ҲУЖЖАТЛАР

Хизматлар кўрсатиш учун: Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиали учун 2022 йил давомида тиббиёт муассасалари учун мўлжалланган биноларни жорий таъмирлаш хизматлари кўрсатиш.

**Буюртмачи:** Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази давлат муассасаси

**Буюртмачи номидан жавобгар шахс:** \_\_\_\_\_

Тошкент – 2022 й.

**I. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАР ТАНЛОВИ (ЭЯТТ) ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ҚЎЛЛАНМА**

**1 Умумий қондалар.**

- 1.1 Ушбу Энг яхши таклифлар танлови – ЭЯТТ хужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган.
- 1.2 Танлов мақсади: Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиали учун 2022 йил давомида тиббиёт муассасалари учун мўлжалланган тўқимачилик буюмларини ювиш бўйича профессионал аутсорсинг хизматлари кўрсатиш. Манзил: Тошкент ш., Тахтапул Дарвоза кўчаси – 341.

- 1.3 ЭЯТТ нинг энг сўнгги қиймати ҚҚС билан 60 000 000.00 (Олтмиш миллион) сўмни ташкил қилади.

ЭЯТТ таклифида кўрсатилган нархлар энг сўнгги қийматдан ошиб кетмаслиги керак.

Бажариладиган ишнинг техник вазифалари (хизматлар) ЭЯТТ хужжатларининг техник қисмида тақдим этилган.

**2 ЭЯТТ ташкилотчилари**

- 2.1 **РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ** ЭЯТТ буюртмачиси (бундан кейин “Буюртмачи”) ҳисобланади.

Манзил: Тахтапул Дарвоза – 341

Тел.: 71 – 240 35 06

Факс: 71 – 240 38 07

СТИР: 201 229 696

Х/Р: 23402000300100001010

Банк: **ТОШКЕНТ Ш., ОПЕРУ УПРАВЛЕНИЕ КАЗНАЧЕЙСТВА МФ РУз**

МФО: 00014

- 2.2 Алоқага чиқувчи шахс: \_\_\_\_\_;

- 2.3 Комиссиянинг ишчи органи: Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Давлат муассасасининг ЭЯТТ комиссияси (бундан кейин – “Ишчи орган”) ҳисобланади.

Манзил: Тошкент, Тахтапул Дарвоза – 341

- 2.4 Шартнома эгаси: Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент вилояти филиали

- 2.5 Танлов Буюртмачи томонидан тузилган, таркиби беш аъзодан иборат ЭЯТТ комиссияси томонидан ўтказилади.

**3 ЭЯТТ иштирокчилари**

- 3.1 Танловда мулкчилик шаклларида қатъий назар, ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан кичик ва ўрта бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин, 4.2. бандда кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно.

## ЭЯТТ ўтказиш тартиби

### 5 ЭЯТТ таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби

- 4.1 ЭЯТТ да қатнашиш учун иштирокчи қуйидагиларни бажариши керак: а) ЭЯТТ шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган ЭЯТТ ҳужжатларининг электрон версиясини олиш (юклаб олиш);  
б) ЭЯТТ ҳужжатлари талабларига мувофиқ таклиф юбориш.
- 4.2 Қуйидаги қатнашчилар ЭЯТТда иштирок этишга қўйилмайди:  
- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлганлар;  
- “Буюртмачи” билан суд ёки ҳакамлик иши кўриб чиқилиши ҳолатида бўлганлар;  
- инсофсиз ижрочиларнинг Ягона реестрида қайд этилмаганлар;  
- имтиёзли солиқ имтиёзларини тақдим этадиган ва/ёки молиявий операциялар ўтказилиш пайтида (оффшор зоналарда) маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни таъминламайдиган, давлат ёки ҳудудларида рўйхатдан ўтган ва банк ҳисобварақларига эга бўлганлар.
- 4.3 Буюртмачи иштирокчини қуйидаги ҳолларда харид қилиш процедураларида иштирок этишдан четлаштиради, агар:  
- иштирокчи бевосита ёки билвосита ҳар қандай ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахс ёки буюртмачи ходими, ёки бошқа давлат органига ҳар қандай шаклдаги иш ҳақи таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса, ишга ёллаш ҳақида таклиф ёки ҳар қандай хатти-ҳаракатларни амалга ошириш учун таъсир кўрсатиш, қарор қабул қилиш ёки давлат харидлари жараёнида буюртмачининг ҳар қандай танлов тартибини қўллаш мақсадида хизматни таклиф этса, бошқа ҳар қандай қимматбаҳо буюм берса ёки беришга розилик билдирса;  
- иштирокчи адолатсиз рақобат устунлигига эга бўлса ёки қонунни бузишда манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлса.
- 5.1 Порталда эълон қилинган ЭЯТТ иштирокчилари эълонда белгиланган тартибда таклифлар тақдим этадилар.
- 5.2 ЭЯТТ иштирокчиси:  
- тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончилиги учун жавобгар бўлади;  
- фақат битта таклифни тақдим этишга ҳақлидир;  
- тақдим этилган таклифни бундай таклифларни тақдим этиш муддатидан олдин қайтариб олишга ҳақлидир.
- 5.4 ЭЯТТ иштирокчисига қўйиладиган талаблар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:  
- ЭЯТТ қийматининг камида 10% миқдорда айланма маблағларга эга бўлиш (Вазирлар Маҳкамасининг 05.02.2021 йилдаги 55-сонли қарорининг 29-банди);  
- хусусий ёки ижарага олинган техник базага эга бўлиш;  
- тегишли мутахассисларга эга бўлиш;  
- Тиббиёт муассасалари учун камида 2 йил давомида биноларни жорий таъмирлаш бўйича профессионал аутсорсинг хизматлари бажарилиши бўйича умумий тажриба.  
Нарх таклифи бўйича мажбурий ҳужжатларнинг мавжудлиги:  
- нархлар таклифи ва тегишли маълумотлар базасининг мавжудлиги.
- 6.1 Зарурат туғилган ҳолларда, буюртмачи таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириши, шунингдек комиссия қарори билан ЭЯТТ иштирокчиларига ўз таклифларининг амал қилиш муддатини маълум муддатга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин.
- 6.2 ЭЯТТга таклифлар тақдим этиш муддатларини узайтириш тўғрисидаги эълонлар махсус ахборот порталига жойлаштирилади.
- 7.1 Зарурат туғилган ҳолларда, буюртмачи ЭЯТТ ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.  
Таклифлар бериш муддати якунида ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилган ҳолларда, ЭЯТТ ҳужжатларига ўзгартиришлар

### 6 Таклифларни тақдим этиш муддатининг узайтирилиши

### 7 Ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш

киритилган кундан бошлаб камида ўн кунга узайтирилади.

Шу билан бирга, бир вақтнинг ўзида, агар эълонда кўрсатилган маълумотлар ўзгартирилган бўлса, ЭЯТТ ўтказилиши тўғрисидаги эълонга ҳам ўзгартиришлар киритилади.

**8 ЭЯТТни баҳолаш тартиби ва мезонлари**

8.1 ЭЯТТ иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар тақдим этиш муддати тугаганидан бошлаб ўн кундан ошмаслиги керак.

8.2 Комиссия ушбу ҳужжатда кўрсатилган мезонлар асосида ЭЯТТ ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни баҳолашни амалга оширади.

8.3 ЭЯТТ иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатларда мавжуд маълумотларнинг ишончсизлиги аниқланган ҳолларда, комиссия бундай иштирокчини ЭЯТТда иштирок этишини тўхтатишга ҳақлидир.

8.4 Таклифларни баҳолаш ва ЭЯТТ ғолибини аниқлаш ЭЯТТ ҳужжатларида белгиланган мезонлар ва куйидаги балларни баҳолаш асосида амалга оширилади:

- КД малака қисми техникасининг миқдорий кўрсаткичи– 60%

- КД нарх қисмининг миқдорий кўрсаткичи 40% ни ташкил этади.

8.5 ЭЯТТни баҳолаш жараёнида комиссия иштирокчилардан уларнинг таклифлари бўйича тушунтиришларни талаб қилиши мумкин. Тушунтириш жараёнида таклиф моҳияти, шунингдек нархлар бўйича ҳар қандай ўзгаришларга йўл қўйилмайди.

8.6 ЭЯТТ ҳужжатларида кўрсатилган шартлардан келиб чиққан ҳолда, электрон тизим ЭЯТТнинг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда ғолибни, энг кўп балл тўплаган иштирокчини (балл усулидан фойдаланган ҳолда) автоматлашган тарзда аниқлайди.

8.7 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасида қайд этилади.

8.8 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харидлар комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва ундан кўчирма махсус ахборот порталида эълон қилинади.

8.9 ЭЯТТнинг ҳар бир иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан кейин ЭЯТТ натижаларини аниқлаштириш учун буюртмачига сўровнома юборишга ҳақлидир. Бундай сўровнома олинган кундан бошлаб буюртмачи уч иш куни ичида ЭЯТТ иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

**9 Томонларнинг жавобгарлиги**

9.1 Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳолда жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар:

- келган таклифларни ҳисобга олувчи, ишчи орган таркибига кирувчи шахслар.

- комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек таклифларни ўрганиш учун тузилган ишчи гуруҳи аъзолари маълумотларни ошкор қилиши, иштирокчилар, комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб этилган экспертлар билан тил бириктиришга йўл қўйганликлари, шунингдек, бошқа ноқонуний ҳаракатлари учун.

- шартнома бўйича мажбуриятларини бажармаган (миқдорий, сифат ва техник параметрлар бўйича) ЭЯТТ ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ва/ёки тузилган шартнома бўйича жавобгар бўлади.

**10 Бошқа шартлар**

10.1 ЭЯТТда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар ўтказилаётган ЭЯТТ бўйича тушунтириш олиш учун ишчи органга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

10.2 ЭЯТТ куйидаги ҳолларда комиссия томонидан ўтмаган деб эълон қилиниши:

- агар ЭЯТТда малака талабларига жавоб берадиган иккитадан кам иштирокчи қатнашган бўлса ёки ҳеч ким иштирок этмаган бўлса;

- агар ЭЯТТ таклифларини кўриб чиқиш натижаларига кўра

комиссия ҳужжатлар талабларга жавоб бермаслиги сабабли барча таклифларни рад этган бўлса.

## 12 Шартнома тузиш

- 10.3 Буюртмачи ютиб чиққан таклифни қабул қилишдан олдин исталган вақтда ЭЯТТни бекор қилиш ҳуқуқига эга. Буюртмачи танлов бекор қилинган ҳолатларда ушбу қарорнинг асосланган сабабларини махсус ахборот порталида эълон қилади.
- 11.1 ЭЯТТ натижаларига кўра ЭЯТТ ҳужжатларида кўрсатилган шартлар ва шартнома тузиладиган ЭЯТТ иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклиф асосида шартнома тузилади.
- 11.2 Комиссия қарори билан ЭЯТТ ғолиби деб эълон қилинган ЭЯТТ иштирокчиси махсус ахборот порталида эълон қилинади. Агар ЭЯТТ ғолиби ЭЯТТ шартлари бўйича шартнома тузишни рад этса, шартнома тузиш ҳуқуқи захирадаги ижрочига ўтади. Агар иштирокчида ЭЯТТ ҳужжатлари бўйича саволлар бўлса, у аризалар топшириш муддати тугашидан икки кун олдин очик электрон чат орқали мижоз билан боғланиши мумкин.

Буюртмачи номидан жавобгар шахс: \_\_\_\_\_ Тохтаматов И.Х.

- Шартноманинг умумий қиймати:
- 60 000 000.0 (Олтмиш миллион ) сўм ҚҚС билан 2022 йилнинг 12 ойи давомида.

Хизмат кўрсатиш муддати:

01.03.2022 йилдан 31.12.2022 йилгача